

100 китоб тўплами

ЭЧКИЧИЛИК

78-китоб



**Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас
эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайди.**

Ш. МИРЗИЁЕВ.

Ҳурматли деҳқонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар!

Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

“Агробанк” АТБ мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш учун нафақат молиявий, балки ижтимоий лойиҳалар билан ҳам аграр соҳага сармоя киритишга эътибор қаратмоқда.

Жумладан, ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳамда тажрибалар асосида соҳанинг етук мутахассислари, олимлари билан ҳамкорликда фермерлар ва аҳоли учун дастлабки босқичда ушбу 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди.

Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинларини асосий ҳамда такрорий экиш муддатида етиштириш, иссиқхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш, ғаллачилик, дон ва дуккакли экинлар, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар берилган.

Ушбу лойиҳани келажакда тажрибали деҳқон ва фермерларимиз, чорвадор ва ветеринарларимиз, аграр соҳа вакиллари ва бошқа китобхонларимиз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари асосида янада такомиллаштирамиз.

Умид қиламизки, ушбу қўлланмалар тўплами Сиз – деҳқонлар, чорвадорлар ва тадбиркорларимиз учун фойдали бўлади.

Ҳосилингиз мўл-кўл, даромадингиз баракали бўлсин!

**Рустам МАМАТҚУЛОВ,
“Агробанк” АТБ бошқарув раиси.**

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: “Агробанк” АТБ

Тузувчи:

Р.И. Рўзиев - Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти,
катта илмий ходим, қ.х.ф.н.

Тақризчилар:

С.И. Мавланов – Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, инновацион фаолият, фан ва таълим соҳасини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ветеринария врачлари, в.ф.д.

Н.Р. Рўзиев – Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти Оҳангарон бўлими мудири, қ.х.ф.д.

Ш.Н. Мадрахимов – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари, қ.х.ф.н.

Лойиҳа иштирокчилари: У.Ф. Файзуллаев, М. С.Ҳайитбоев.

Муҳаррир: А.Э. Аликулов – “Чорвачилик ва наслчилик иши” журнали
Бош муҳаррири, журналист.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ муассислигида тайёрланди ҳамда нашр этирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар масъулдир.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доира-сида “Агробанк” АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ туҳфасидир

© “Агробанк” АТБ – 2021

© Нашриёт уйи “Тасвир” – 2021

© “Colorpack” МЧЖ – 2021

МУНДАРИЖА

Кириш	7
Эчкичиликнинг қисқача тарихи	8
Эчкичиликнинг халқ хўжалигидаги ўрни	9
Ўзбекистонда урчитилаётган эчки зотлари	9
Эчкичилик фермаларини қуриш учун талаблар	20
Эчкиларда бонитировка тадбирини ўтказиш	23
Эчкичиликда танлаш ва саралаш ишлари	24
Эчкиларни озиқлантириш, асраш ва парваришlash	29
Улоқчаларни озиқлантириш технологияси	34
Эчкилардан олинадиган маҳсулотлар ва уларни ишлаб чиқариш технологияси	42
Сут йўналишидаги эчкиларни қочириш, сут бериш давларида озиқлантириш технологияси	48
Эчкиларнинг сут маҳсулдорлиги	58
Сут йўналишидаги улоқларни сақлаш	61
Эчкиларнинг гўшт маҳсулдорлиги	63
Эчкичиликда подани қайта тўлдириш, улоқларни ажратиш, сурувларни шакллантириш	66
Эчкичиликда селекция-наслчилик ишлари	72
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	74



■ I КИРИШ

Республика чорвасини ривожлантириш мақсадида ривожланган Европа давлатларидан заанен, альп, тоггенбург каби сут йўналишидаги маҳсулдорлиги юқори эчки зотлари олиб келиниб, уларни кўпайтириш йўлга қўйилди. Четдан олиб келтирилган сутдор эчки зотларини юртимизнинг иқлим шароитига мослаштирган ҳолда боқиш, наслчилик ишларини олиб бориш, озиқлантириш технологияларини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир. Шу боис илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш муҳим устувор вазифалардан ҳисобланади.

Дунё бўйича эчкилар кўп боқиладиган мамлакатлар қуйидагилар: Хитой (140 млн бошни), Ҳиндистон (120,6 млн бош) ва Покистон (47 млн бош). Республикамизда (2020 йил 1 январдаги маълумот) қўй ва эчкилар сони 21 млн 287 минг бошни ташкил этади.

Эчкилар боқиш, урчитишга кўп харажат талаб этмаслиги, тез кўпайиши ва юқори даражадаги серпуштлиги, гўшт ва сут маҳсулотларининг парҳезбоплиги, саноат учун жун, тивит ва тери маҳсулотларининг зарурлиги, қимматбаҳолиги, уларга бўлган талабнинг юқорилиги билан бошқа турдаги чорва ҳайвонларидан ажралиб туради.

■ I ЭЧКИЧИЛИКНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

Эчкилар инсоният тарихида биринчи уй ҳайвонларига айлантирилган ёввойи ҳайвонлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда инсонлар эчкиларни дунёнинг ҳамма жойида, Скандинавиянинг шимолий кенгликларидан тортиб, Африканинг тропиклари ва Океания оролларига қадар боқишмоқда.



1-расм. Соқолли эчки.

■ | ЭЧКИЧИЛИКНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЎРНИ

Эчкичилик билан шуғулланиш хусусий ва ёрдамчи хўжаликлар учун қулай ва фойда келтирувчи тармоқ ҳисобланади. Чунки қишлоқда яшовчи ҳар бир оила эчки асраш ва боқиш, сут ва гўштини истеъмол қилиш, эчки тивити ва жунидан хилма-хил буюмлар тайёрлаш ва уни бозорга чиқариш йўли билан даромадини ошириши мумкин.

Эчкиларнинг жун ва тивитидан турли кийим ва буюмлар тайёрланади. Эчки сути ва гўшти озиқ-овқат сифатида кенг қўлланилади. Эчки сути шифобахш, парҳезли хусусиятга эга, айниқса, яйловда боқилган эчкилардан соғиб олинган сут сил хасталигида энг кучли малҳам ҳисобланади. Чунки сил билан яйлов эчкилари камдан кам касалланади. Эчки сути экологик тоза маҳсулот сифатида ёш болалар озиқасининг муҳим қисми бўлмоғи даркор.

■ | ЎЗБЕКИСТОНДА УРЧИТИЛАЁТГАН ЭЧКИ ЗОТЛАРИ

Мутахассисларнинг эътироф этишича, ота-боболаримиз қадимдан эчкилар боқиб, унинг гўштию жунидан фойдаланиб келишган. Эчки сутининг шифобахш хусусиятлари аجدодларимизга узоқ ўтмишдан маълум эди. Бугунги кунда эса эчкичиликни илмий асосда, наслчилик тамойилларига таянган ҳолда ривожлантиришга астойдил киришилмоқда. Айни чоғда жун маҳсулдорлиги йўналишидаги эчкилар Наманган вилоятининг Чуст ва Поп туманлари хўжаликлариди, тивит маҳсулдорлиги йўналишидаги эчкилар Сурхон-

дарё вилоятининг Бойсун туманида, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туман хўжаликларида, сут маҳсулдорлиги йўналишидаги эчкилар Тошкент вилояти хўжаликларида, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликларида ҳам боқиб, кўпайтирилмоқда. Кейинги йилларда жисмоний ва юридик шахслар томонидан хориждан сут йўналишидаги зотдор эчкиларни олиб келишга жиддий киришилди.

Юртимизда тивит йўналишидаги эчкилар кўпайтирилмоқда, улар (жун йўналишидаги эчки зотларини яратишдан олинган) АҚШдан келтирилган оқ ангор эчкилар билан маҳаллий эчкиларни чатиштириш маҳсулидир. Бу эчки қорамтир-кулранг тивит ва нисбатан калта, ялтироқ қора қилчиқ жун беради. Қора ва оқ рангли эчкилар ҳам мавжуд.

Қора тивит берадиган Ўзбекистон эчкилари катталиги бўйича йирик, юқори даражадаги яшовчан, мустаҳкам тана тузилишига, унча узун бўлмаган оёқларга, калта бочкасимон гавдага эга. Тивити узун, бутун танани бир текис қоплайди. Жун қопламасининг вазн нисбати: тивит 65% ва қилчиқ жун 35 %. Умуртқаси бўйлаб тасмалар ва сонларида узун қилчиқ жун бўлади. Тивит толасининг узунлиги 8-9 см, ингичкалиги 17-20 мкм, урғочидаги тивит толаларининг ўртача миқдори 450 г, такаларда 700 г, ахталанганларда 600 г атрофида бўлади. Бундай эчкиларнинг энг яхши подалари Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида боқилади.

Маҳаллий дағал жунли эчкиларнинг оқ, қора, малла, кулранг, қора-ола, ола-қора, малла-ола ва бошқа турлари мавжуд. Мазкур эчкилар асосан хонадонларда урчитилиб, кўпайтирилмоқда. Такаларининг тирик вазни 60-70 кг, айримлари 90 кг, она эчкилари 35-40 кг, айримлари 60 кг, онасидан ажратилган пайтдаги улоқлар тирик вазни 15-25 кг тош босади. Жуни дағал, териси ўртача ўлчамда, ҳар

100 бош она эчкидан 90-105 бош бола олинади ва она эчкилардан 5-6 ой давомида 200-205 кг сут соғиб олиш мумкин, лекин юртимизда сут соғиш анъанага айланмаган, бироқ боласидан ажратилган она эчкилар вақтинча соғилади.



2-расм. “Ўзбекистон сержун” зоти

Дағал жунли эчкилар республикамизнинг барча ҳудудларида урчитилади. Мазкур зот асосан Наманган вилоятининг Поп, Чуст ва Косонсой туманларида кўпайтирилмоқда. Ранги асосан оқ, кулранг ва қора. Тирик вазни такаларда 65-70 кг, она эчкиларда 40-45 кг, жун маҳсулдорлиги такаларда 3,0 кг, она эчкиларда 2,0 кг ни ташкил этади. 100 бош она эчки 85-95 бош улоқ беради, сут маҳсулдорлиги 250-280 кг ни ташкил этади. Мазкур зот ярим майин жунли зотларга хос. Жунининг узунлиги такаларда 15-18 сантиметрни, она эчкиларда 12-15 сантиметрни ташкил этади. Жунидан табиий гилам тайёрлашда кенг қўлланилади.

Хўжаликдаги фойдали белгилари: тивитли эчкилар такаларининг тирик вазни 60-65 кг, она эчкиларининг тирик вазни 40-45 кг ни, тивит тарами такаларда 500-700 г, урғочиларда 430-460 г ни, тивитнинг узунлиги такаларда 13-14 см.ни, она эчкиларда 10-12 см ни ва жун толасининг ингичкалиги 21,4 мкм.ни ташкил этади.

4,5-5,0 ойлик улоқларининг тирик вазни ўртача 17-18 кг ни, бир ёшдаги улоқларнинг тивит тарами 330-340 г ни, тивитининг узунлиги 9,0-10 см ни, тирик вазни 20-22 кг ни, жун толасининг ингичкалиги 16,4 мкм ни ташкил этади.

Зотнинг биологик хусусиятлари. 18-20 ойлик улоқларининг тирик вазни 35-38 кг, урғочилари биринчи марта октябрь, ноябрь ойларида такалар билан жуфтлаштирилади. Ҳар 100 бош она эчкidan 85-95 бош улоқ олинади.

Узун тивитли эчкилар тоғ ва тоғолди ҳудудларида боқилиб, баҳор, ёз ва куз ойларида яйловлардаги ҳар хил ёввойи ўтлар, буталар каби ўсимлик ва дарахтларнинг барглари билан озиқланади.



Улоқлар 4,0-4,5 ойлик даврида онасидан ажратилади ва эркак ҳамда урғочи улоқчалар алоҳида-алоҳида парваришланади. Онасидан ажратилган ёш улоқчаларга ҳамда она эчкиларга ноябрь - декабрдан то февраль - мартгача қўшимча 200-300 г кучли озуқалар, 300-400 г сифатли пичан берилади.

Жун қирқиш тугагандан сўнг май ойи бошида тоғ этакларидаги яйловларда, май ойининг охирида эса тоғ тепалигидаги яйловларда боқилади. Қиш даврида қўтонларда сақланади, парваришланади.

Ангор зотли эчкилар Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида ўтган асрнинг 50 йилларидан буён илмий асосда маҳаллий эчкиларнинг ангор зотли такалари билан частиштириш усулида урчитилиб келинмоқда. Ангор эчкиларнинг тирик вазни такаларда 60-65 кг, она эчкиларда 40-45 кг, тивит маҳсулдорлиги такаларда 350 г, она эчкиларда 250 г ни ташкил этади. Ҳар 100 бош она эчкидан 85-90 бош бола олинган. Йўналиши асосан тивит олишга хос эчки зоти ҳисобланади.



4-расм. Маҳаллий сержун эчки зоти

Маҳаллий сутдор эчки асосан хонадонларда урчитилади. Сутдор эчкиларнинг тирик вазни такаларда 65-70 кг ни, она эчкиларда 40-45 кг ни, она эчкилар ҳар 100 бош она эчкидан 100-110 бош бола олинади. Маҳаллий сутдор эчкилар зоти халқ селекцияси усулида кўпайтирилмоқда. Ҳар бир она эчкидан лактация даврида 280-350 кг дан сут соғиб олинади.

Ҳозирги кунда дунёда 200 дан зиёд эчки зотлари ва кўплаб зот ичидаги турлар урчитилади. Улар маҳсулдорлик йўналишларига қараб сут, тивит, жундор, тери берувчи ҳамда турли аралаш типда маҳсулот берувчи зотларга ажратилади. Уларнинг 100 дан ортиғи сут йўналишидаги зотлар, сут-гўшт ва сут-жун маҳсулдорлигидаги зотларни ташкил этади. Бир неча асрлардан буён шифобахшлиги билан қимматли ва юқори маҳсулдор, деб ҳисобланган сутдор эчки зотлари мунтазам такомиллаштириб келинмоқда.



5-расм. Заанен эчки зоти

Ўзбекистонга (2014 йилда Бўстонлик туманидаги “Агро Ливесток” МЧЖга) заанен зотли эчкилар импорт қилинди. Олтинқўл туманидаги “Бахт имкон ривож чорваси” фермер хўжалигига 2016-2017 йилларда 700 бош заанен эчкилари келтирилди. Бугунги кунда заанен зотли эчкиларга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Уларнинг номланиши Швейцариядаги Зане дарёсининг номи билан боғлиқ.

Заанен эчкилари йирик кўринишдаги эчкилар сарасига киради, етук ёшдаги она эчкиларнинг яғрин баландлиги 77-78 см ни ва тирик вазни 50-60 кг ни ташкил этади. Мазкур зотнинг такалари 80-90 кг ва ундан ортиқ вазнга эга. Ушбу зот бошқалардан йириклиги ва сутдорлиги, сутининг сифати ҳамда пуштдорлиги ҳамда вояга эрта етилиши билан фарқ қилади. Она эчкилар 3 кг тирик вазнгача, аксарият ҳолатда 1,5-2 кг га эга бўлган бола беради. Ёш улоқлари жадал ўсади ва туғилган пайтидаги тирик вазнига нисбатан бир йилда 10, ҳатто 15 баробарга ортади.

Заанен зотли эчкиларининг лактация даври (сут беришни биринчи кундан то сут беришни тугашигача бўлган давр) 280-300 кунни ташкил этиб, 4 фоизли 650 л сут беради. Заанен эчкилари турли табиий-иқлим шароитларига жуда тез кўникувчан зотлардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам дунё бўйича кўп тарқалган. Заанен эчкиларининг келиб чиқишида турли маҳаллий эчкилар қатнашганлиги боис турли тусдагилари ҳам учрайди. Уларни сабль (Сейбл) деб аташади. Сабль ҳақида она эчки ёки такалар бўйича сўз юритилганда, албатта, турли рангдаги эчкилар тушунилади. Уларнинг авлодларида турли рангдаги улоқларнинг туғилиши кузатилади, бунга асло ажабланмасдан, уларни ҳам соф зотли заанен эчкилари, деб ҳисоблаш зарур.

Тоггенбург эчки зоти XVIII асрда Швейцариянинг ғарбий ҳудудидаги Тоггенбург водийсида, сутдор маҳаллий эчкиларни узоқ вақт давомида танлаш усулида яратилган.

Она эчкиларнинг яғрин баландлиги 66 см, такалариники 71 см ни, шунингдек, тирик вазни 48 ва 60 кг ни ташкил этади. Тумшуғи яссироқ, қулоқлари тик туради, туси қизғиш, турли доғлари ва тумшуғида, қулоқлари четида, думининг учида ва пастки оёқларида оқ йўл-йўл белгилари мавжуд. Боши узун, қулоқлари оғир ва тик туради. Бели тўғри ва яғрини яхши ривожланган, қовурғалари билиниб туради, оёқлари калта.

Бу зотнинг сут маҳсулдорлиги юқори бўлиб, лактация даври 260-300 кунни ташкил этади ва соғин давомида 400-1000 кг, айримлари 1200 кг сут беради. Тоггенбург эчкиларининг шохлари йўқ. Елини жуда ҳам яхши ривожланган. Ушбу эчкилар сутдор, бу борада заанен эчкиларидан қолишмайди. Тоггенбург эчкилари турли табиий шароитга тез мослашади. Бошқа давлатларда маҳаллий эчкиларнинг маҳсулдорлигини оширишда кенг қўлланилади.



6-расм. Тоггенбург эчки зоти

Рус оқ эчки зоти асрлар давомида халқ селекцияси асосида яратилган. Рус оқ эчкилари 240 кунлик лактация даврида 350-500 литргача сут беради ва сутининг таркибидаги ёғдорлик 4-5 фоизни ташкил этади. Рус оқ эчкилари озуқа танламайди, турли табиий иқлим шароитларига мослашувчанлиги учун ҳам Россия ҳудудида кенг тарқалган. Улар 1 млн бошни ташкил этади.



7-расм. Рус оқ эчки зоти

Бу зот жуссаси кичик бўлса-да сифатли жун берувчи эчкилардан ҳисобланади. Ангор эчкиларининг асосий ранги оқ, камдан кам ҳолларда қора, кулранг ва кумуш ранглилари учрайди.

Етук ёшдаги ангор эчки такаларининг тирик вазни 57 кг, бўйи 76 см, она эчкилари 34 кг, бўйи 66 см. Ушбу эчкиларнинг шохлари калта, ингичка, ортга қайрилган, такаларида шохлари бурамашох шаклида, бақувват. Ангор эчкилари нозик тузилишига эга, танаси калта, боши майда, дўнгтумшуқ, бўйни қисқа, ингичка. Ҳар икки жинсда ҳам соқоли мавжуд. Қулоқлари катта, узун ва осилган.

Кўкраги қисқа, кўкрак кенглиги ёмон ривожланган. Думғаза суяги бироз осилган, думи мустаҳкам, калта, оёқлари тўғри йўналган, туёғи қаҳрабо рангда, териси юпқа, танаси тўлиқ ингичка узун тола билан қопланган, жун ораси қалин, тўлқинли ёки жингалак, ялтироқ, ергача осилиб юради, жунининг узунлиги 20-35 см ни ташкил этади. Жуни ярим дағал, бир текисда, мустаҳкам, эгилувчан, қайта ишлашга жуда қулай.



8-расм. Ангор эчки зоти

Бу эчкилар гўшtdор-сутдор, Швейцариянинг тоғли эчкилар зотига мансуб. Уларнинг асосий туси қўнғир, оч қўнғирдан тўқ қўнғиргача, бошининг орқасидаги, қорни ва оёқларидаги қора нишонлари билан ажралиб туради. Альп қўнғир зотли эчкилари шох ва шохсиз бўлиши мумкин. Альп қўнғир зотли эчкилари жудаям чидамли, оғир иқлим

шароитига яхши мослашган. Бошқа Швейцария эчкиларига нисбатан калтароқ. Улар кенг тумшукли ва кенг пешонали, чақчайган кўзларга эга. Қулоқлари олдинга қараган бўлиб, паст жойлашган, дўстона феъл-атворга эга. Урғочи эчкилари ўрта гавдали бўлади. Кўкрак қафаси ва қорни катта, елини ноксимон, учлари яхши ривожланган. Альп қўнғир зотли эчкилар такаларининг яғрин баландлиги 86 см, урғочи эчкилариники 74 см. Такаларининг ўртача тирик вазни 100 кг, урғочи эчкиларники 70 кг. Биринчи туғишда ўртача сут маҳсулдорлиги лактация даврида 324 литр, кейинги туғишларда 507 литргача боради. Серпуштлиги 95%. Улоқларнинг ўртача тирик вазни 3,5 кг, 60 кунликда 12,5 кг га етади.



9-расм. Альп қўнғир эчки зоти

I ЭЧКИЧИЛИК ФЕРМАЛАРИНИ ҚУРИШ УЧУН ТАЛАБЛАР

Курилажак ферма катта йўлга, бозорга, маҳсулотни қайта ишловчи корхоналарга яқин, электр энергияси, сув, таъминоти узлуксиз бўлса, келгусида муаммога дуч келмайсиз. Айниқса, дарахтзор ҳудудларида қурилган фермаларни ёзнинг жазирамасида салқинлатиш анча осон бўлади. Ферма қуришда тежамкору омилкор бўлинг. Бекорга сарф-харажат қилиб юрманг. Фермалардаги сайр майдони (падокс) ёпиқ жойдан кўра икки-уч карра катта бўлиши керак. Ернинг тузилиши ва чорвачилик йўналишига қараб бинолар қуйидаги шаклларда барпо этилади: фермадаги ҳар бир эшикнинг кенглиги ва баландлиги битта трактор сиғадиган бўлсин. Бундай эшиклардан тракторлар қийинчиликсиз ичкарига кириб, ички ҳудудни тозалаши, ем тарқатиши ва шу каби бошқа ишларни бажариши лозим. Бинонинг таг қисми зичланган тупроқ, бетон, панжара (сетка) ёки пластик поллардан иборат бўлиши мумкин. Зичланган тупроқ энг камхаражат усул бўлиб, яйлов чорвачилигида кенг қўлланилади. Бунда дренаж муаммоси бўлмайди, тупроқ сувни тезда тортиб олади, аммо сув натижасида лой ва сирпанчиқ кузатилиши мумкин. Бироқ бундай жойни тозалаш қийин, гигиеник томондан муаммолар юзага келади. Бетонли ерларнинг харажати юқори ва доимо қўшимча тўшама талаб этади. Тозаланиши осон бўлса-да, 2-5 фоизлик қиялик қилинмаса, суюқликлар бир ерга тўпланиб муаммолар туғдиради. Бу эса баъзи кутилмаган касалликларга сабаб бўлади. Шу билан биргаликда, тўшама тоза ва етарли даражада мустаҳкам бўлмаса, айниқса, ёш ҳайвонларнинг танаси совқотади. Пластик тўшамалар панжарали тизимларга ўхшаб кетади. Бироқ унга қараганда мўртроқ, арзонроқ материаллардан ясалади.

Эчкилар ҳаракатчан бўлгани боис, одатда, вақтларининг асосий қисмини ташқарида ўтказадилар. Уларни очиқ айвонларда ёки бино ташқарисида қўлда ҳам озиклантириш мумкин. Очиқ оғиллар табиий ҳолда шамоллатилади. Таг қисми зичланган тупроқдан бўлади. Бу каби оғиллар қиш шамоллари кучли бўлмаган жойларда барпо этилгани яхши. Том қисми қишда қор тушишига йўл қўймайдиган, қуёш нурини қайтарадиган материаллардан қилиниши керак.

- Таг қисми оддий ерли оғиллар: бу турдаги оғиллардан кўпинча интенсив эчки етиштиришда фойдаланилади. Бундай оғилларда ҳайвонларни гуруҳларга ажратган ҳолда бўрдоқилаш мумкин. Емлаш механик тарзда амалга оширилгани учун оғил ташқарисидан ёки оғил ичидан туриб ем берилиши мумкин.
- Таги панжарали оғиллар ёғоч, металл ёки бетондан ясалиши мумкин. Ёғоч панжарали планкалари ўлчамлари 4х5 см, 5х5 см. Ёғочлар ораси 1,5-2,0 см бўлиши мумкин. Бу планкалар 10х5 см лик ёғоч бруслар устига ўрнатилади.
- Металл панжаралар ясси темирдан ясалади. Уламалар орасидаги масофа 2х2 см ёки 7,5х1,2 см, остки кенглик эса 38 см бўлади. Ора очиклиги 2,5 см. Панжарали поллар ердан 50-75 см баландда бўлиши талаб этилади. Бундай баландлик йил бўйи гўнг йиғилишига етарли бўлади.
- Гигиена талабларига жавоб берадиган оғилхонада бўлиши керак бўлган асосий хусусият бу оғилнинг ҳудудий иқлим шароитларига мос эканлигидир. Бинонинг шимолий қисми шамоллардан ҳимояланган бўлса, жанубий томони очиқ бўлиши ҳам мумкин. Ҳайвонлар учун муҳими шамолда ёки зах ерда қолиб кетмасликдир.

Қишлари илиқ кечадиган ҳудудларда ярим очиқ шаклдаги оғиллар ҳайвон соғлиғи учун фойдалидир. Бундай ерларда оғилларнинг жанубий қисми очиқ, шимолий қисми ёпиқ бўлиши керак.

Қиш қаттиқ ва ёғингарчилик кўп бўладиган ҳудудларда ёпиқ оғиллар мақсадга мувофиқдир. Бундай ерларда орқа томони шимол ёки шарққа қараган "L" ва "U" шаклдаги оғиллар қурилади. Бундай тузилишда жанубга ва ғарбга қараган оғилларнинг ичи ҳам, ҳовлиси ҳам иссиқ бўлади. Оғил ичидаги ҳарорат ташқаридаги ҳароратдан 2-3 °C иссиқ бўлиши керак. Эчкилар (четдан олиб келинган эчки зотлари) жуда таъсирчанлиги учун оғилни захкаш жойга қурманг. Бунда таг қисми бетон бўлмаган оғилларда ички ва ташқи бўлинмаларнинг доимо қуруқ ва тоза туришига эътибор қаратинг. Оғил ичида нисбий намлик энг кўпи билан 50-60 фоиз бўлиши лозим.

Ферма биносига талаб этиладиган бўлимлар: соғин ҳайвонлар бўлими, емхона, соғиш бўлими, улоқчалар бўлими, такалар бўлими, силос чуқури, ҳаммом, ходимлар бўлими, туғруқ бўлими, гўнг чуқури, тиббий хона.

Эчкихона қуришни режалаштирётганда қуйидагиларга эътибор беринг: йиллик сурувни тўлдириш 20 фоиз бўлиши, туғиш кўрсаткичи битта онага 1-2 улоқ деб белгилаш, подадаги бир ёшли эчкилар сонининг умумий эчкилар миқдори нисбатан 10 фоиз бўлиши, туғруқ бўлимида ҳар бир она учун 1,5-2 квадрат метр жойни ажратиш, ҳар бир эчки йилига 700-800 кг атрофида гўнг чиқариши (гўнг учун чуқур тайёрлаш) ҳамда шунга яраша озиқланиши (бир ярим ёшли эчки йил давомида ярим кубометр қуруқ ўт, 0,6 кубометр силос, 0,25 кубометр зичланган ем ва 0,5 кубометр сомон ейиши).

1-жадвал.**Бир бош ҳайвон учун талаб этиладиган меъёрлари.**

Давр	Таг қисми ўлчами м ²		Охир узунлиги (см)			Сув ичиш учун (л/кун)	Сувдон баландлиги	Сувдон узунлиги
	Оддий ер	Панжара	Дағал озуқа	Омихта озуқа	силос			
Эчки	1,1-1,4	0,9-1,1	40-60	40-55	10	4	40	30-35
Она эчки	1,4-1,6	1,2-1,6	40-60	40-55	10	6	40	30-35
Така	1,8-2,6	-	40-60	50-60	10	6	40	30-35
1 ёшли улоқлар учун	0,6-0,9	0,5-0,6	40-60	30-40	10	6	40	25-30

■ | ЭЧКИЛАРДА БОНИТИРОВКА ТАДБИРИНИ ЎТКАЗИШ

Эчкиларни ҳар йили ўз вақтида бонитировка (баҳолаш) қилиш наслчилик ишларини самарали олиб бориш, яъни эчкилар маҳсулдорлигини муттасил оширишда катта аҳамиятга эгадир.

Маҳсулдор катта ёшдаги эчкилар ва наслдор такалар бонитировка қилинади. Февраль ва март ойларида бонитировка ўтказиш учун энг қулай муддат ҳисобланади. Бонитировка вақтида насл сифати, маҳсулдорлик даражаси баҳоланади. Ана шу бонитировка маълумотларига асосланиб, эчкиларни қочириш учун энг серпушт такалар танланади. Натижада эч-

килардан олинадиган улоқларнинг маҳсулдорлигини янада кўпайтириш, насл сифатини яхшилаш, шунингдек эчкиларни маҳсулдорлиги бўйича классларга ажратиш, элита ва I класс эчкиларни боқиш учун қулай шароит яратилади. Эчкилар асосан икки усулда: якка усулда ва гуруҳ усулида бонитировка қилинади. Хўжаликда насл олиш учун қолдирилган катта ва кичик ёшдаги барча такалар уларнинг насл сифатини текшириш учун ажратилади ҳамда она эчкилар ва улардан олинган улоқлар якка тартибда бонитировкадан ўтказилади.



10-расм. Эчкиларни бонитировка қилиш (баҳолаш).

ЭЧКИЧИЛИҚДА ТАНЛАШ ВА САРАЛАШ ИШЛАРИ

Наслчилик хўжаликлари зотдор така ва она эчкилар индивидуал тартибда танланади ва жуфтлаштирилади. Эчкиларни ўсиш ва ривожланишини таъминлаш учун керакли озуқалар тайёрланиб парваришланади. Эчкиларнинг келиб чиқиши ва маҳсулдорлиги алоҳида ўрганилади. Селекция ишларида насли эчкиларни такомиллаштиришда соф зотли урчитиш амалга оширилади.

Урчитиш усуллари

Урчитилаётган маҳаллий зотларни такомиллаштиришда урчитиш усуллари мақсадли қўллаш йўли билан маҳаллий эчкиларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари такомиллашади ва янги гуруҳ подалари шакллантирилади.

Чорвачиликда қўлланиладиган урчитиш усуллари каби эчкичиликда ҳам қуйидаги урчитиш усуллари қўлланилади: соф зотли урчитиш бир зотга мансуб эчкиларни ўзаро жуфтлашдир. Чатиштириш бу икки, уч ва ундан ортиқ зотларни ўзаро жуфтлашдир. Дурагайлаш бу икки турга мансуб ҳайвонни жуфтлашдир.

Соф ҳолда урчитиш зотнинг мавжуд фойдали белгиларини сақлаш ва такомиллаштириш демакдир. Соф зотли урчитишда қариндош бўлмаган (аутбридинг) ва қариндош бўлган (инбридинг) жуфтлаш усули қўлланилади. Чатиштиришда икки ва ундан ортиқ зотларга ёки дурагайларга мансуб ҳайвонлар жуфтлаштирилади.

Эчкичиликда чатиштиришнинг қуйидаги усуллари қўлланилади: қон қуйиш усулида бир зотнинг маълум бир белгисини яхшилаш мақсадида, масалан, сутдаги ёғни яхшилаш учун бошқа зотнинг наслдор такаларидан бир марта фойдаланилади.

Завод усули янги зотлар ва типларни яратиш демакдир.

Алмашлаб чатиштириш усулида яхшиланувчи зот дастлабки яхшиловчи зотга мансуб такалари билан чатиштирилади, олинган авлод эса янада яхшиланувчи зот такалари билан жуфтлаштириб борилади.

Саноат усулида яхшиланувчи зот яхшиловчи зот такалари билан бир марта жуфтлаштирилади, олинган насл гўштиштиришда фойдаланилади.

Урчитилаётган мавжуд зотларнинг маҳсулдорлигини янада яхшилаш ҳамда янги зот (оила, линия, тип, кросс ва бошқа)ларни яратиш мақсадида чатиштириш усуллари қўлланилади. Чатиштиришдан олинган наслларни сақлаш ва тўла қийматли озуқалар билан озиқлантириш уларнинг ирсий белгиларини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Гибридлаш усули ҳар хил турга мансуб ҳайвонларни чатиштиришдир. Масалан, эчкиларни архар билан чатиштириш гибридлаш ҳисобланади. Гибридлашдан олинган гибридлар ўзларининг сермаҳсуллиги, яшовчанлиги билан бошқа зотлардан кескин ажралиб туради.

Эчкилар селекциясида чатиштириш усулларини режали ва тўғри амалга ошириш талаб этилади. Селекция ишларида эчки зотларини мунтазам равишда такомиллаштириш ва зотларнинг ҳўжалик учун фойдали ирсий белгиларини сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги кунда наслчилик ишлари билан жиддий шуғулланган ҳўжаликлар наслчилик мақомига эга бўлиб, уларда соф зотли эчкилар урчитилмоқда.

Зотнинг ичида такаларни танлаш, саралаш, парвариш-лаш, наслдорлигини барвақт аниқлаш, аниқланган зотлардан максимал фойдаланиш селекция ишларидаги асосий дастурлар талабидир.

Такаларни вояга жуда тез етилиши уларни 12 ойлигида синаб кўриш имконини беради. Такалар бир ярим, икки ёшга тўлганда, улардан насли така сифатида фойдаланиш мумкин. Такаларни синаб кўриш учун асосий подадан элита, I класс она эчкилар ажратилади. Бир бош така билан 50-60 бошгача она эчки табиий қочирилади. Эчкилар бонитировка пайтида уларга баҳо берилади. 4,5-5 ойлигида энг кўп

4 ва 5 балл олган такалар зотдор ҳисобланади. Хўжаликдаги барча она эчкилар насли ҳисобланади, янги туғилган улоқларнинг ҳар бири махсус журналда қайд этиб борилади. Унда улоқларнинг туғилган вақтидаги, 4,5-5, 12 ва 18 ойлигидаги тирик вазни акс этади ҳамда қулоғига рақами белги тақилди ва бонитировка кўрсаткичлари ҳолати ёзиб борилади.

Пода таркиби соф зотли, асосан элита ва I классга мансуб бўлган эчкилар билан тўлдирилади. Хўжаликда селекция гуруҳлари ташкил этилади ва подаларда селекция ишлари юқори даражада амалга оширилади, ҳайвонларни алоҳида танлаш ва жуфтлаш, улар учун керакли озуқалар тайёрлаш, парваришлаш ва боқиш келиб чиқиши ва маҳсулдорлигини алоҳида ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади.

Эчкичилик селекциясида асосий эътибор организми кучли, сермахсул, гавдаси яхши ва сифати аъло даражада бўлган эчкиларни парваришлашга қаратилади.

Эчкичиликда наслчилик ишлари энг яхши маҳсулдорликка эга бўлган эчкиларни кўпайтириш, сут сифат кўрсаткичларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ёрдам берадиган, мунтазам равишда танлаш ва саралаш ишлари йиғиндисидан иборат бўлган муҳим тадбирлар ҳисобланади.

Кузги мавсумда она эчкиларни қочириш олдидан такалар яна бир марта кўздан кечирилади, элита классга мансуб насли такалар наслдорлик сифати бўйича текшириш учун танлаб олинади.

Насли такаларни авлодларининг сифати бўйича текшириш учун биринчи классга мансуб она эчкилар ажратилади. Улоқларнинг сифат белгилари оналарининг сифат белгилари билан таққосланиб, юқори маҳсулдор насли такадан қочириш учун бошқа классдаги она эчкилар танланади. Бундай баҳолаш усули билан бир насли такаларнинг устун-

лиги бўйича зот андозасининг маҳсулдорлиги таққосланади. Турли классга мансуб она эчкиларнинг самарадорлиги аниқланади. Бу тадбирнинг унумли бўлиши эчкиларни яхши боқиш ва асраш шароитида бирмунча аниқ намоён бўлади.

Наслли такалар авлодларининг сифати бўйича текширилгандан кейин она эчкилар гуруҳларини қочириш учун қўйилади.

Икки йил ичида аъло ва яхши баҳога эга бўлган она эчкилар ўз сифатларини авлодларига ўтказса, наслни “яхшиловчи” ҳисобланади, кетма-кет икки марта қониқарсиз насл берган она эчкилар бошқа гуруҳга ўтказилади.

Наслли такалардан авлод олиш олдидан авлодбошининг маҳсулдорлик хусусиятлари, яхши насл бериши бўйича унга яқин (ўхшаш) бўлган бегона она эчкилар танланади. Авлодбошининг исталган белгилари ва хусусиятларини кейинги урчитишда ўзаро ўхшаш бўлган шу турдаги она эчкилар билан чатиштириш орқали амалга оширилади. Эчкиларда биринчи ва иккинчи бўғин авлодларни яқин қариндошлари билан чатиштиришга рухсат этилади: ўғил х она, ота х қиз, ярим амма х ярим сингил. Бундай усулда чатиштириш бир турдаги авлодларни олишга ёрдам беради. Натижада учинчи ва тўртинчи авлодда юқори қимматли насл шаклланади, фойдаланувчи подадаги турдош бўлмаган она эчки билан чатиштирилиб, юқори маҳсулдор насл олинади. Шуни ҳисобга олиш керакки, турдошлик бўйича қочирилганда, эчки ва такаларнинг тана тузилиши мустаҳкам, соғлом ва юқори маҳсулдор, яшовчан насл берадиган бўлиши лозим. Кейинги авлодларда наслни такомиллаштиришда ота х не-вара ёки эвара типдаги ўртача қариндошлик чатиштириш усуллари амалга оширилади.

■ I ЭЧКИЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ, АСРАШ ВА ПАРВАРИШЛАШ

Эчкилар қўйлар каби яйлов ҳайвони ҳисобланади. Уларнинг озуқа ҳазм қилиш тизими бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонлариникидан кескин фарқ қилади (яхши ривожланган), эчкилар озуқага кам талабчан бўлади ва озуқа танламайди. Эчкиларни озиқлантириш учун қуйидаги озуқалар ишлатилади: ўсимлик дунёсидан тайёрланадиган озуқалар (кўк ўт, турли пичанлар, силос илдиз мевали полиз экинлари ва ҳаказо). Ҳайвонот дунёсидан олинадиган озуқалар (сут, сут маҳсулотлари, қон-суяк уни, балиқ ва гўшт уни ва ҳоказо). Саноатдан олинадиган озуқалар (омихта емлар, турли заводлар чиқиндилари, витаминли препаратлар, антибиотиклар, гармонлар ва ҳоказо).



11-расм. Эчкиларни озиқлантириш

Эчкиларни озиқлантиришда уларнинг тирик вазни, ёши, жинси, маҳсулот бериши, йўналиши, физиологик ҳолати ҳамда йилнинг мавсуми инobatга олиниб, махсус меъёрлар белгиланиши лозим. Эчкиларни яйловда ўтлатиш қуйидаги мавсумларга бўлинади: баҳор, ёз, куз ва қиш.



12-расм. Эчкиларни очиқ ерда боқиш

Баҳор даври эчкичилик хўжаликларида 15 февралдан 1 майгача давом этади. Бу даврда эчкиларни озиқлантириш уларнинг бола бериши, сут ишлаб чиқариши ва улоқларини эмдириши билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши таъминланади. Бу мавсумда эчкиларни озиқлантириш учун асосан бўз ерлар, саксовул, қандим ва бошқа ўсимликлар ўсадиган яйловлар ишлатилади. Бу яйловларда асосан қорабош, илок, кўнғирбош каби ўтлар (эфемерлар) ўсади. Бу яйловлар ба-

ланд бўйли ўтлардан ҳоли бўлиши зарур. Чунки шундай ҳолатда эчкилару улоқларни кузатиб бориш ўнғай бўлади.

Яйловларда эчкиларни суғориш учун қудуқлар бўлиши шарт. Қудуқ суви шўр бўлмаслигига эътибор қаратинг. Эчкиларни ўтлатиш учун қуйидаги махсус кун тартиби ишлаб чиқилади: эрталаб соат 7 дан 11 гача ўтлатиш, 11 дан 12 гача суғориш, 12 дан 14 гача дам олиш, 14 дан 19 гача эса ўтлатиш ва 19 дан эрталабгача махсус тунаш жойида дам олдириш.

Ёз мавсуми 1 майдан то 15 сентябргача давом этади. Бу мавсумда хўжаликда асосан қисир эчкилар, катта улоқли эмизувчи ва соғин эчкилар ҳамда 1 ёшли улоқлар ва такалар бўлади. Бу эчкилар бир хил тартибда озиқлантирилади. Нимжон, серпушт ва соғин эчкиларга келсақ, қўшимча озуқа ҳам берилади. Бу мавсумда яйловлардаги қуриб қолган уруғли ёввойи ўтлар эчкилар учун жуда фойдали озуқа ҳисобланади. Бу мавсумда эчкиларни ўтлатишни кечқурун ёки куннинг салқин даврида амалга ошириш, қолган пайтларда эчкиларга дам бериш лозим.

Куз мавсуми 10 октябрдан 15 декабргача давом этади ва бунда хўжаликда асосан улоқсиз эчкилар, қочирилган эчкилар ва оналаридан ажратилган улоқлар, наслга яроқсиз, гўштга топширилган ва ахталанган такалар бўлади ва деярли бир текис озиқлантирилади. Бу даврда эчкилар яйловлардаги ўсаётган арпагон, чотир, қашқар, йўнғичқа, нўхатақ, сотой каби ўтлардан озиқланади. Яйловларда қудуқлар бўлиши зарур. Яйловларда кузнинг охирига келиб донашур, балиққўз каби ўтлар бўлади ва эчкилар озиқ-овқат сифатида қуриб қолган бу гиёҳларни севиб истеъмол қилади.

Қиш мавсуми 15 декабрдан 15 февралгача давом этади. Эчкилар қишки яйловларда шувоқ, янтоқ, саксовул ва бошқа чўл-эфемер ўсимликлари билан озиқланади.

Қишлов маҳали қаттиқ совуқ тушганда, қорбўронлар, кучли ёмғир кузатилганда эчкиларни ёпиқ жойларда сақланг ва озиқлантиринг. Ҳар эчки қишловни яхши ўтказиши учун 1,5-2 центнер дағал ҳашак тайёрланишни ёз кириб келмасдан режалаштириб қўйинг.

Эчкилик хўжаликларида улоқлар оналари билан бирга боқилади. Бунда улоқлар тўйимли она сути ҳамда қўшимча яйловдаги ўсимликлардан озиқланиб, ўз эҳтиёжини қондиради. Мабодо улоқлар кам сут эмса, бунга эътиборсиз бўлманг, онасини кўпроқ эмдириш ҳақида ўйланг, уларни назорат қилинг. Ёш улоқча бир кунда камида 3-4 маротаба онасининг ёнида қолсин. Улоқлар яйловга чиқарилишини инobatга олиниб, сакмонлар ташкил этилиши лозим. Эътибор беринг, кичик сакмонларда 10-12 улоқ бўлади, ўрта сакмонларда эса 15-20 бош, ундан ошган ҳолда эса катта сакмон ташкил этилади.



13-расм. Қиш мавсумида озиқлантириш

Кичик сакмон туғиш учун ажратилган жой атрофидаги яйловда боқилади, узоғи билан 10 кун давомида. Ундан сўнг кичик сакмон ўрта сакмонга қўшилиб, қўрадан нисбатан узоқлаштирилиб боқилади. Бундай ҳолат 20 кунгача давом этади. Бир ойдан сўнг, улар катта сакмонга ўтказилиб, узоқ яйловларда боқилади. Улоқларга бу даврда турли витаминлар ва минерал моддалар берилиши мақсадга мувофиқдир. Эчкичилик ҳўжаликларида улоқларни қўйидагича парвариш қилиш усуллари мавжуд:

а) База - қўтон усули, бунда она эчкилар улоқлардан алоҳида базада боқилади ва баъзи ҳолларда эмизиш учун улоқлар оналарининг остига қўйилади.

б) Эмдириб соғиш усулида улоқ она эчкининг остига қўйилиб эмдирилади, сўнг эса ажратиб олинади ва соғилади. Бу усул бир кунда бир неча маротаба қайтарилади.

в) Сунъий сут эмдириб парвариш қилиш усули етим қолган улоқларга ҳамда серпушт эчкилардан олинган улоқларни парваришlashда қўлланади. Улоқлар онасидан 3,5-4 ой-лигида ажратиблиб, алоҳида гуруҳларга бўлиниб, яйловларда боқилади.

Яйловлар ботаник таркибга ва ундаги ўсимликларни ўсишига биноан мавсумлар бўйича ажратиблиб, ҳар бир суровга бириктирилади. Зарурият туғилганда яйловларга турли ёввойи ўсимликларнинг уруғлари экиблиб, ҳосилдорлиги оширилади. Эчкиларни яйловда боқишнинг кунлик тартиби ишлаб чиқилади ва унга қатъий риоя этилади. Қолаверса, яйловда эчкиларни юриш маршрути ва яйловларда ўтлатиш тартиби ишлаб чиқилади. Чунки бир кунда ҳар бир эчки 20 - 25 км масофани бемалол босиб ўта олади. Шу сабабли улар тартибсиз юраверса, яйловдаги ўсимликларни тепкилаб, йўқ қилиши ва зиён етказиши мумкин.

Сут йўналишидаги зотдор эчкиларни боқаётган кишиларга қуйидаги рациондан фойдаланишни тавсия этамиз: озуқа рационининг таркибида пичан 10 фоизни, сенаж 17 фоизни, силос 26 фоизни, озуқа лавлаги ёки ошқовоқ 5 фоизни, омухта ем 20 фоизни, маккажўхори сўтаси билан 7 фоизни, кунгабоқар шроти 10 фоизни ва донли ёрмалар 5 фоизни ташкил этади.

Қочириш ёшидаги урғочи эчкиларга 1,5-1,6 озуқа бирлигида озуқа бериб борилади, қочирилган ва бўғозлигининг 1-ярмида 1,7 озуқа бирлигида, бўғозлигининг 2-ярмида 1,9 озуқа бирлигида ҳамда соғин даврида эчкиларга 2,0-2,1 озуқа бирлигида озиқлантириш ташкил этилади. Озуқа рационидида хом протеин, ёғ ҳамда макроэлементлар мувозанатлаштирилади.

УЛОҚЧАЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Сут йўналишидаги улоқчалар организмнинг муҳим ривожланиш босқичларидан бири – уларнинг янги туғилгандаги ва биринчи 4-6 ойлик ёши ҳисобланади. Бу ёшда ҳароратни бошқариш, юрак-томир, нафас олиш, озуқа ҳазм қилиш билан боғлиқ аъзо ва органларда муҳим ўзгаришлар юз беради. Ушбу даврнинг охирида ёш ўсувчи улоқлар она сутидан ўсимлик озуқаларини истеъмол қилишга тўлиқ ўтади, уларнинг катта қорнида ўсимлик озуқаларининг сўрилиши, ҳазм қилиши ва ошқозон-ичак йўли тўлиқ шаклланади.

Саноат асосида боқилаётган заанен, альп ва тоггенбург улоқларини оғиз сути билан озиқлантириш даврида қуйидаги ҳолатлар назоратга олинади; оғиз сутининг

сифати, озиқлантириш муддати ва миқдори ҳамда бериш тартиби. Альп ва тоггенбург, заанен улоқларини боқиш ва озиқлантириш дастурига кўра, оғиз сути улоқ туғилгандан 22-24 соат ўтиши давомида уч ёки тўрт маротаба ичириш орқали амалга оширилади. Биринчи озиқлантириш янги туғилган улоқни биринчи соати давомида ўзини тетик сақлай олгандан сўнг амалга оширилади. Иккинчи озиқлантириш туғилгандан кейин 6-9 соат оралиғида амалга оширилади. Шу ўринда оғиз сути таркибидаги организмнинг иммун тизимини ҳосил қилувчи альбумин ва глобулин оқсиллари миқдори янги туққан эчки оғиз сутида 12,5% ва ундан юқорини ташкил қилса, бу кўрсаткич 4-кундаги сутнинг таркибида 0,9 фоизни ташкил этади. Оғиз сутини бериш миқдори ҳар бир улоқ учун 300-350 г ни ташкил этади. Аслида меъёрни белгилашда улоқнинг тирик вазни эътиборга олинади ва улоқ вазнининг 10% миқдорида белгиланади. Улоқлар туғилганиданоқ онасидан ажратилиб, алоҳида тоза хоналарда сақланади ва юқорида келтирилган тартиб ва миқдорда оғиз сути билан озиқлантирилади.



14-расм. Улоқларни озиқлантириш

Улоқларни 3 ойликка қадар озиқлантириш схемаси ва рационни улоқчаларнинг меъёрида ўсиши ва ривожланишига хизмат қилиши керак. Туғилганининг 10-15 кунлигига қадар улоқчалар учун она сути асосий озуқа ҳисобланиб, сут ичириш миқдори унинг тирик вазнига ва кунлик ўсишига қараб белгиланади. Улоқчаларнинг ўсишини биринчи ойлигида сут ичиш меъёри кунига 1,5-1,7 л ни ташкил этади. Қаймоғи олинган сут ва сунъий сутга (ЗЦМ) 4 ҳафталик ёшидан бошлаб, аста-секинлик билан ўргатиб борилади.



15-расм. Улоқларга сут ичириш

Улоқларга сут ичириш схемаси келажакда уларнинг ишлатиш мақсадига (наслга қолдириш, подани янгилаш ёки гўштга боқишга) мос ҳолда амалга оширилади. Шу сабабли наслга қолдириладиган улоқларга ёғи олинган сут миқдори гўштга боқиладиган улоқларга нисбатан камроқ бўлиб,

биринчи ойлигида она сути миқдори 65 кг ташкил қилади. Сут ичириш даври белгиланган мақсаддан келиб чиқиб, 3 ойдан 4 ойликка қадар бўлади.

Хозирги кунда кенг кўламда улоқларни озиқлантиришда табиий эчки сутини иқтисод қилиш учун унинг ўрнини босувчи сунъий сут (ЗЦМ) ичириш кенг қўлланилмоқда. Улоқларни 30 кунлигидан бошлаб аста-секинлик билан ЗЦМ ичиришга ўтказилади. ЗЦМ тайёрлаш учун 1,1 кг қуруқ сут 10 кг гача сув аралаштирилади. Улоқларга ЗЦМ бериш қуйидагича амалга оширилади: 1,1-1,2 кг қуруқ сут 8,8-8,9 л қайнатилган илиқ сувга аралаштириб тайёрланади ва бир бошга 1,6-1,8 л миқдорда ичирилади.

Беда пичани ейишга улоқлар 10 кунликдан бошлаб ўргатиб борилади ва аста-секинлик билан кунига унинг миқдори 250-300 г гача етказилади. Улоқларга 11 кунликдан бошлаб туз, бўр, премикслар 0,5 г миқдорларда берилади (икки ойликдан бошлаб, улоқчаларга кунига 2,3-2,5 г берилади). 3 ойликка келиб минераллар берилиши 3,3 г га етказилади ва омухта озуқаларга қўшиб берилади. Омухта озуқалар улоқларнинг 15-20 кунлигидан бошлаб, кунига бир бошга дастлаб 12 г, сўнгга 2 ойликка келиб, кунига 20 г, 3 ойликка келиб 30 г дан берилади.

Улоқларнинг 120 кунлик ўсиш даврида дағал озуқаларнинг салмоғи озуқа бирлигига нисбатан фоиздаги ифодаси қуйидагича: дағал озуқалар 19,66%, ширали озуқалар 50,30%, омухта емлар 30,04%, жами 101,73 кг озуқа бирлигини, 138,601 кг қуруқ модда, алмашинувчи энергия 1386,01 Мж ҳамда 9,573 кг ҳазмланувчи протеин ёки ўртача кунлик озуқа бирлиги 0,85 кг озуқа бирлиги, 1,16 кг қуруқ модда, 11,6 Мж алмашинувчи энергия, 94 г ҳазмланувчи протеинни ташкил этади.

2-жадвал
Улоқчаларнинг 3 ойликка қадар озиклантириш схемаси (бир бошга)

Ёш, ой	Тирик вазн, кг	Озуқа турлари								Минерал озуқалар		Ўртача озуқа бирлиги, кг
		Сут, кг	ЭЦМ қаймоғи олинган сут	Пичан	Силос	Гидропон озуқа	Омухта озуқалар		Ош тузи, г	Махсус пре- микс, г		
1-ой	7-8	45-51	-	Ўргатиш	-	-	3-3,2	-	9-15	9-15	0,57	
2-ой	13-14	20-25	50-55	3,5-4,0	-	5-6	1,05-1,35	3,75-4,05	60-69	60-69	0,65	
3-ой	19-20	10-12	60,5-65,5	7,8-8,5	6-7,5	9,5-10	1,5-2	7,5-8,5	90-105	90-105	0,82	
Жами		75-88	110,5-120,2	11,3-12,5	6-7,5	14,5-16,0	5,55-6,55	11,2-12,5	159-189	159-189	-	

Улоқларнинг гўштга боқишда ва уларнинг генетик маҳсулдорлик потенциалини намоён этишда, уларнинг ёшлигидан бошлаб оптимал сақлаш шароитларида парваришлаш (даврлар кесимида тўла қийматли озиқлантириш типлари ва рационлари асосида) жуда муҳимдир.

Парваришлашнинг 90 кунлик даврида улоқлар рационда озуқа бирлигига нисбатан дағал озуқалар 17,85%, ширали озуқалар 55,60%, омухта емлар 26,55 фоизни, ёки умумий ҳисобда 90 кун давомида жами 104,86 кг озуқа бирлиги, рациондаги қуруқ модда 183,773 кг, алмашинувчи энергия 1837,73 Мж, ҳазмланувчи протеин эса 11,443кг ни ташкил этди. Улоқларнинг бир бошига ўртача кунлик 1,17 кг озуқа бирлиги, 2,04 кг қуруқ модда, 20,4 Мж алмашинувчи энергия, 109 г ҳазмланувчи протеин тўғри келади.



16-расм. Яйловда бўрдоқилаш

Бўрдоқига тайёрлаш даври (60 кун) давомида дағал озукаларнинг салмоғи 22,98 % ни, ширали озукалар 28,92% ни ташкил қилиб, омукта озукаларининг салмоғи 48,10% га оширилди.

Бўрдоқилаш (75 кун) давомида дағал озукаларнинг салмоғи озиклантириш рационидида камайтирилиб, омукта озукаларнинг салмоғи оширилади. Дағал озукалар 16,30 % ни, ширали озукалар 34,54 % ни ва омукта озуканинг салмоғи озиклантириш рационидида озукә бирлигига нисбатан 49,16% ни ташкил этади.

Маълумки, юқори генетик маҳсулдорлик потенциалига эга бўлган, жадал ўсадиган улоқларда энергия ва оксилга бўлган талаб юқори бўлади. Фақат фураж озукаларидан шакллантирилган рацион эчкиларнинг энергия ва оксилга бўлган талабини қондира олмайди. Шу боисдан концентрат озукалар рацион таркибидида етишмайдиған энергия ва оксил миқдорини тўлғазиш учун уларнинг миқдори бўрдоқилаш даврида оширилади.

Улоқчаларни озиклантиришнинг дастлабки кунлари ўртача бир бошга 1,7 кг дан янги соғиб олинган сут бир кунда 4 маҳал сўрғичлар ёрдамида ичирилиб турилади. Бу тадбир улоқчалар бир ойлик бўлгунча давом эттирилади. Улоқчаларни 15-20 кунлигидан омукта емга ва беда аралаш ҳар хил пичанга ўргатиб борилади. Ёшининг 20 кунлигидан сўнг 0,1 кг дан омукта ем ва 0,1 кг дан пичан бериб борилади. Улоқчаларнинг иккинчи ойлигидан ёғли сут миқдори 0,8 кг га туширилади ва шунга мос равишда 1,767 кг дан ЗЦМ сунъий сут бериб борилади. Бу даврда омукта ем миқдори 0,2 кг га ва пичан 0,150 ва 0,2 кг гидропон озукәси берилди.

Эчки гўшти таркибидидаги оксил миқдори қўй ва қорамол гўшtlари билан деярли бир хил. Бироқ ёғ миқдори бошқа

гўшларга қараганда анча паст. Бунга қўшимча тарзда, 1 кг эчки ва товуқ гўштининг калорияси ҳам навбати билан 120 ва 122, деб қайд этилган. Эчки гўшти, хусусан, ёш улоқ гўшти бозори чаққон озуқа модда саналади.

3-жадвал

Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари гўштининг озуқавий таркиби

	Калорияси	Ёғ, %	Тўйинган ёғ, %	Оқсил, %	Темир, г
Улоқ	122	2,58	0,79	23	3,2
Бузоқ	245	16	6,8	23	2,9
Чўчқа	31	24	8,7	21	2,7
Қўзи	235	16	7,3	22	1,4
Товуқ	120	3,5	1,1	21	1,5

Республикамизда эчки гўшти кўпроқ аҳоли томонидан тандир гўшти сифатида кенг миқёсда истеъмол қилинади. Европа ва АҚШда эчки гўшти ва ундан тайёрланадиган баъзи маҳсулотлар жуда баланд нархда сотиладиган олий навли маҳсулотлар қаторига киради. Қадоқланган ва қайта ишланган ҳолатда сотиладиган турли маҳсулотларни интернет орқали ҳам сотса бўлади. Эчки гўшти савдосида Франция ва Испания олдинги ўринларни эгаллаб. "Сабритос" деб номланадиган 1 ойлик улоқча гўштининг бозордаги нархи бузоқ ва қўзи гўштига қараганда 2-3 баробар қиммат. Сўйилганда 10-12 кг бўлган улоқлардан олинган бу гўшт таркибида ёғ миқдори жуда кам эканлиги аниқланган.

■ | ЭЧКИЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР ВА УЛАРНИ ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Эчки жунининг таркибида қуйидаги жун толалари мавжуд: тивит, қилтиқ, оралиқ, қуруқ, қопловчи ва ҳимоя этувчи толалар. Тивит толаси юмшоқлиги, жингалаклиги, ингичкалиги ва яхши йигирувчанлик белгилари билан ифодаланади. Қилтиқ толаларида жингалаклар учрамайди, қилтиқ йигирилиши суст, узунлиги бўйича энг узун тола ҳисобланади. Оралиқ толалар жингалак бўлиб, диаметри 30 мкм.

Ярим майин, бир хил ёки текис бўлган эчки жунлари саноатда *могер* ёки *тифтик* номи билан юритилади. Бундай жуннинг йигирилиш хусусиятлари яхши. Бу жун берувчи эчкиларга (рус, Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва



17-расм. Жун қирқиш жараёни

хоказо) жундор эчки зотлари киради. Бу эчкиларнинг жуни бир текис бўлиб майинлиги (ингичкалиги) бўйича 50-46 сифатга тенг, яхши хусусиятларига эга ва ялтирайди, жуннинг узунлиги 20 см бўлиб, саноатда улардан турли кийимлар тайёрланади.

Эчкичиликда жун қирқишни ташкил этиш ва ўтказиш энг муҳим зоотехник тадбирлардан биридир. Бу тадбир барча жун ва тивит йўналишидаги эчкичилик хўжаликларида олиб борилади. Бу тадбир апрель ойида, шимолий-шарқий минтақаларда май ойининг охирида июнь ойининг бошида ўтказилади.

Қирқимга тайёргарлик икки ой олдин бошланади.

Эчкилар жунлари оддий қўл қайчида ёки махсус электрасбоблари орқали бажарилади (ЭСА-1 ДЭСА-12 ва ҳ.к.). Қирқимга ажратилган эчки суруви иложи борица шу куннинг ўзида қирқимдан чиқиб кетиши лозим. Қирқимни куннинг ёруғ вақтида бажаринг, ёруғлик кам бўлса, сунъий ёруғлик ишлатиш лозим.



18-расм. ЭСА-1 жун қирқиш машинкаси

Жунни қирқишда яхлит олинишига ҳаракат қилиш шарт, бир жойдан икки маротаба қайчини ёки машинкани юргизиш асло мумкин эмас. Чунки акс ҳолда олинган жун (жун сифатини бузилиши) яроқсиз бўлиб ип йигиришга ярамайди ва нуқсонли, деб ҳисобланади. Илк бор қирқимга ёш эчкилар киритилади (4-5 ойлик урғочи ва эркак улоқлар), булардан яхши ривожланмаган жун олинади. Сўнг қирқимга ахталанган такалар, ундан кейин наслии такалар ва энг охирида она эчкилар киритилади.

Ҳар бир эчкини жуни табақалаш столида МДХ 2252-78 давлат андозасига биноан табақаланиб, сифати, толасининг тоза чиқими, ингичкалиги, жингалаклиги бўйича синфларга бўлинади. Сўнгги босқичда синфларга ажратилган жунлар тойи, типи ва тури бўйича махсус ускунада орқали тойланади, трафарет ишлатилиб маркировка қилинади. Сўнг омборда сотилгунча ёки заводга топширилгунча сақланади.



19-расм. Тивит тараш

Қирқим тугагач, эчкилар кўриқдан ўтказилади ва тери-лари кесилган барча эчкиларнинг яраси махсус ишлов берилиб, дезинфекция қилинади ҳамда об-ҳавонинг ҳолатига биноан шамоллашдан ва иссиқ ўтишидан ҳимоя қилинади. Шундан сўнг жуни олинган жониворлар махсус креолинли ванналарда чўмилтирилиб, яйловга чиқарилади.

Тивитга технологик хусусиятлари бўйича тенг келадиган тола йўқ. Бу маҳсулот асосан тивит берувчи эчкилардан олинади, бу жун қўйлардан олинадиган майин жунларга нисбатан юмшоқ, майин, енгил, бундан тайёрланган буюмлар жуда чиройли ва инсонни иссиқдан сақлайди. Тивит асосан баҳор фаслида тивит берувчи эчкиларни тараш йўли орқали олинади ва иккига бўлинади: таралган ва қирқиб олинган тивит.

Эчки тивити барча физик хусусиятлари билан қадрлидир. Қалинлиги, жингалаклиги, узунлиги, мустаҳкамлиги, элас-



20-расм. Махсус тароқ

тиклиги, чўзилувчанлиги, қайишқоқлиги, толасининг тоза чиқими ва намдорлиги шулар жумласидандир. Эчкилар тивитини табақалашда 2260-78 давлат андозаларига амал қилинади.

Эчки тивити асосан Оренбург ва Донбўйи эчки зотлари ҳамда уларнинг дурагайларида олиниб, ҳолати бўйича нормал ва ифлосланган гуруҳларга бўлинади. Нормал тивитнинг илашувчи ўсимликлар билан ифлосланиши 1,5 фоиздан ошмаслиги лозим, акс ҳолда ифлосланган гуруҳга киритилади. Эчки тивити уч гуруҳга ажратилади.

а) биринчи тарашдан олинган тивитнинг таркибий қисмида тивит кесакчалари учрамайди ёки унинг миқдори умум тивит миқдорининг 10 фоизини ташкил этади.

б) иккинчи тарашда олинган тивитнинг таркибий қисмида 10 дан 20 фоизгача қилтиқ ва тивит кесакчалари мавжуд.

в) қирқиш натижасида олинган тивитнинг таркибида 20-30 фоиз қилтиқ тола учрайди ва учинчи синфга киради. Унинг таркибий қисмида қилтиқ толасинининг миқдори 30-40 фоизни ташкил этса, бундай тивит тўртинчи синфга киритилади. Жуда кўп думаланган (кийгизланган) тивит эса чиқит, деб ҳисобланади.

Тивит тараш ўзига хос мавсум ҳисобланади. Тадбирнинг асосий мақсади эчкиларни табиий туллаш пайтида тивитини тараб олиш йўли билан тўплашдан иборат. Тивит асосан тивит берувчи ва дағал жунли эчкилар ҳамда уларнинг дурагайлари таралиши орқали олинади. Эчкиларни тивитини таралиши асосан қишнинг охири ва баҳорнинг бошланишига тўғри келади. Бу вақтнинг аниқ белгиланиши эчкилар тивитининг табиий туллаши билан бевосита боғлиқдир. Тивит биологик хусусиятига кўра кузда ва қишда

бирмунча ўсади ва эрта баҳорда бирданига ёки бутунлай тушиб кетади ва ўз сифатини йўқотиб қўяди. Шунининг олган ҳолда уни тарашнинг аниқ вақтини белгилаш катта аҳамият касб этади. Унутманг, тивит тароқланиш вақтида етарли даражада пишган бўлиши, қилтиқ эса таралмай маҳкам туриши ва тивит ифлосланмаслиги зарур.

Тивит фақат махсус тароқларда таралади, тароқлар икки турда бўлади: биринчиси асосан тивитни тараш учун ишлатиладиган тароқ бўлиб, тишлари бирмунча сийрак жойлашган, иккинчи тур тароқнинг тишлари зич бўлиб, қилларни тароқлаш учун ишлатилади.

Тивитни тароқлаб олиш чоғида унга битта асосий талаб қўйилади, бу эса унинг тозалигидир. Бу теваарак-атрофдаги ифлосликлардан эмас, балки эчкиларнинг ўзидан чиқадиган ифлосликлардан тоза бўлиши керак деганидир. Тарашни февраль ойининг охирида бошлаш керак, чунки айнан бу вақтга келиб, тивит ўсишдан тўхтади ва туллайди.

Эчкилар тивитини икки марта тараш тавсия этилади: биринчи марта тивит «пишиш» даврига етгандан то туллаш бошлангунгача, иккинчиси эса табиий ҳолатда эчкиларни туллаши бошланганида ёки биринчи тарашдан 15-20 кун ўтгандан кейин. Тивит махсус ажратилган жой ёки биноларда, брезент ёки дағал матолар тўшалган майдонларда тараб олиниши мақсадга мувофиқдир. Эчкилар таралишидан олдин 10-12 соат муддатга оч қолдирилади ва сув ҳам ичирилмайди. Уларнинг бадани турли ифлосликлардан тозаланиши лозим, жунлари қуруқ бўлиши шарт, чунки ҳўл бўлса, таралган тивит сақланган даврида сифатини йўқотади.

Эчкиларни тараб олиш учун уларни ёнбошига ётқизиб, уч оёқлари боғланади ёки бўлмаса шохидан махсус қозиқларга маҳкамланади. Тивит таралиш даври асосан эчкилар бўғоз-

лигининг иккинчи ярмига тўғри келади. Шу сабабли жуда эҳтиёткор бўлиш тавсия этилади. Энг биринчилар қаторида она эчкилар тараб олинади, ундан сўнг эса такалар ва ёш эчкилар таралади. Тараш аввало бўйиндан бошланиб, навбати билан кўкрак, елка, биқин ва орқа қисми бўйлаб олиб борилади ва тараб олингач, эчки кейинги ёнбошига ётқизи-либ, шу тартибда тараш давом эттирилади.

■ I СУТ ЙЎНАЛИШИДАГИ ЭЧКИЛАРНИ ҚОЧИРИШ, СУТ БЕРИШ ДАВРЛАРИДА ОЗИҚЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Эчкиларни сентябрь ойининг 3-декадасидан бошлаб, октябрь ойлари охиригача насли такалар билан табиий қочирилади, 40-50 бош урғочи эчкига бир бош насли така қўшиб қўйилади.

Табиий усулда қочирилган эчкилар бўғозлигининг 120 кунлигига қадар озиқлантириш даври бўйича рацион белгиланади (4-жадвал).



4-жадвал
Сутдор эчкиларни қочирилганидан 120 кунгача озиқлантириш технологияси

Озуқа тури	Озуқа таркиби					
	Озуқалар	Озуқа, кг	Озуқа бирлиги, кг	Куруқ модда, кг	Алмашинувчи энергия, Мж	Хазмланувчи протеин, кг
Дағал	Аралаш ўтлар пичани	37	15,45	31,19	3119	1,52
	Бўғдой сомони	71	15,62	60,01	6001	0,355
Ширали	Беда сенажи	134	38,86	60,3	6030	5,23
	Тритекали сенажи	173	43,25	77,9	7790	5,19
Омухта озуқалар	Арпа ёрмаси	14	14,84	12,5	1250	0,88
	Бўғдой ёрмаси	12	11,52	10,2	1020	1,70
	Махсус ем БДК	21	17,43	17,9	1790	1,66
	Пахта шроти	6	4,92	5,4	540	2,0
Жами		468	161,89	275,38	27538	18,507

Бунда сутдор эчкиларни озиқлантириш турига кўра, рациондаги озуқа бирлигига нисбатан фоиздаги ифодаси куйидагича: дағал озуқалар 19,21%, ширали озуқалар 50,7%, омухта емлар 30,09% ни ташкил қилиб, жами 161,98 кг озуқа бирлигини, 275,38 кг қуруқ модда, алмашинувчи энергия 27538 Мж ҳамда 18,51 кг ҳазмланувчи протеин сарфланади ёки ўртача кунлик озуқа бирлиги 1,35 кг озуқа бирлиги, 2,30 кг қуруқ модда, 229,5 Мж алмашинувчи энергия, 154,2 г ҳазмланувчи протеин ташкил этди.

Сутдор эчкиларда (бўғозлик даврининг охириги 30 кунда) ҳомила жуда тез ривожланади, бу даврда бўғоз эчкиларни асраш ва озиқлантириш шароитидан келиб чиқиб, ўртача ҳар бир бош эчкига 1,52 озуқа бирлиги сарфланиши белгиланди. Бу даврдаги она эчкилар рационда озуқа бирлигига нисбатан дағал озуқалар 18,0%, ширали озуқалар 54,42%, омухта емлар 28,05 фоизни ёки умумий ҳисобда 30 кун давомида жами 45,20 кг озуқа бирлиги, рациондаги қуруқ модда 30 кун давомида 77,19 кг, алмашинувчи энергия 7719 Мж, ҳазмланувчи протеин эса 5,403 кг.ни ташкил этади. Она эчкиларнинг бир бошига ўртача кунлик 2,71 кг қуруқ модда, 271 Мж алмашинувчи энергия, 188,9 г ҳазмланувчи протеин тўғри келади.



5-жадвал.

**Сутдор эчкиларни бўғозлигининг сўнгги 5-ойлигида
озиклантириш технологияси (30 кун).**

Озуқа тури	Озуқа таркиби					
	Озуқалар	Озуқа, кг	Озуқа бирлиги, кг	Қуруқ модда, кг	Алмаши- нувчи энергия, Мж	Ҳазмла- нувчи протеин, кг
Дағал	Аралаш ўтлар пичани	11	4,62	9,27	927	0,451
	Бўғдой сомони	17	3,74	14,40	1440	0,085
Ширали	Беда сенажи	40	11,6	18,0	1800	1,56
	Тритикале сенажи	52	13,0	23,4	2340	1,56
Омухта озуқалар	Арпа ёрмаси	3	3,18	2,67	267	0,189
	Бўғдой ёрмаси	3	2,88	2,55	255	0,426
	Махсус ем БДК	6	4,98	5,1	510	0,474
	Пахта шроти	2	1,64	1,80	180	0,658
Жами		134	45,2	77,19	7719	5,403

Соғин эчкиларни 60 кун давомида йдириш даври ра-
ционида дағал озуқалар 18,62%, ширали озуқалар 38,75%,
омухта ем миқдори 42,62% га оширилади. Сарфланган озуқа
бирлиги 148,85 кг, қуруқ модда 208,26 кг, алмашинувчи энер-
гия 20826 Мж, ҳазмланувчи протеин 18,09 кг ни ташкил эта-
ди. Эчкиларни йдириш даврида уларга сарфланадиган
ўртача кунлик озуқа бирлиги 2,48 кг га, қуруқ модда 3,47 кг,
алмашинувчи энергия 347 Мж, ўртача 1 кг озуқа бирлиги
121 г ҳазмланувчи протеин сарфланади. Озиқлантириш ра-
ционида омухта озуқаларнинг миқдори 14% га оширилади
ҳамда рацион таркибига маккажўхори силоси киритилади.



6-жадвал

Сутдор эчкиларни (60 кун) ийдириш даврида озиқлантириш технологияси

Озуқа тури	Озуқа таркиби					
	Озуқалар	Озуқа, кг	Озуқа бирлиги, кг	Қуруқ модда, кг	Алмашинувчи энергия, Мж	Ҳазмланувчи протеин, кг
Дағал	Аралаш утлар пичани	66	27,72	55,64	5564	2,71
	Буғдой сомони	46	8,28	11,50	1150	0,640
Ширали	Беда сенажи	98	28,42	44,10	4410	3,82
	Тритикале сенажи	84	21,0	37,80	3780	2,52
Омухта озуқалар	Арпа ёрмаси	23	24,38	20,47	2047	1,45
	Буғдой ёрмаси	14	13,44	11,90	1190	2,0
	Махсус ем БДК	21	17,43	17,85	1785	1,66
	Пахта шроти	2	1,64	1,80	180	0,658
Жами		134	45,2	201,06	20106	5,403

Озуқалар 18,8%, ширали озуқалар 38,7%, омухта емлар 42,5% ни ташкил қилиб, бу даврда жами озуқа сарфи 332,0 кг озуқа бирлиги, 451,5 кг қуруқ модда, 45150 Мж алмашинувчи энергия ҳамда ҳар бир соғин эчкига кунлик ўртача 2,29 кг озуқа бирлиги, 3,11 кг қуруқ модда, 311 Мж алмашинувчи энергия ҳамда 276 г ҳазмланувчи протеин сарфланиб, ўртача 1 кг озуқа бирлигига 121 г ҳазмланувчи протеин тўғри келади.

145 кунлик озиқлантириш технологиясида эчкиларнинг ўртача сут беришини инобатга олиб, ўртача бир кунда 2,22 кг озуқа бирлигида, қуруқ модда 3,11 кг, 311 Мж алмашинувчи энергия, 271 г ҳазмланувчи протеин сарфланади.



7-жадвал

Сутдор эчкиларни 145 кунлик лактация даврида
озиқлантириш технологияси

Озуқа тури	Озуқа таркиби					
	Озуқалар	Озуқа, кг	Озуқа бирлиги, кг	Куруқ модда, кг	Алмашинувчи энергия, Мж	Ҳазмланувчи протеин, кг
Дағал	Аралаш ўтлар пичани	143	60,06	120,6	12060	5,86
	Бугдой сомони	99	17,82	24,75	24751	1,39
	Беда сенажи	213	61,77	95,85	9585	8,31
Ширали	Тритикале сенажи	181	45,25	81,5	8150	5,43
	Арпа ёрмаси	46	48,76	40,9	4090	2,9
Омухта озуқалар	Бугдой ёрмаси	30	28,8	25,5	2550	4,26
	Махсус ем БДК	50	41,5	42,5	4250	3,95
	Пахта шрот	22	18,04	19,9	1990	7,24
Жами		784	322,0	451,5	45090	39,34

145 кунлик сут бериш даврида жониворларга 322,0 кг озуқа бирлиги, 451,33 кг қуруқ модда, 45130 Мж алмашинувчи энергия ҳамда 18,35 кг ҳазмланувчи протеин сарфланади. Озуқа сарфида умумий озуқа бирлигига нисбатан озуқалар салмоғи 18,8 % дағал, 38,7 % ширали, 42,5 % ни омукта озиқалар ташкил қилади. Сут беришнинг охириги 100 кунлик даврларида эчкиларнинг сутдан чиққани ва сунъий қочиришга тайёрлашни кўзда тутиб (8-жадвал), озуқалар салмоғи камайтиради, кунлик озуқа сарфи 1,78 кг озуқа бирлиги, 2,49 кг қуруқ модда, 249 Мж алмашинувчи энергия ҳамда 21,7 г ҳазмланувчи протеин сафланиб, 1 озуқа бирлигига ўрта ҳисобда 121 г ҳазмланувчи протеин тўғри келади. Озиқлантиришда дағал, ширали, омукта озуқаларнинг фоиздаги ифодаси сақлаб қолинади.



8-жадвал
Сутдор эчкиларни охирги 100 кун лактация даврида озиқлантириш технологияси

Озуқа тури	Озуқа таркиби					
	Озуқалар	Озуқа, кг	Озика бирлиги, кг	Қуруқ модда, кг	Алмашинувчи энергия, Мж	Ҳазмланувчи протеин, кг
Дағал	Аралаш ўтлар пичани	79	33,18	66,59	6659	3,239
	Бугдой сомони	55	9,6	13,75	1375	0,77
	Беда сенажи	117	33,93	52,65	5265	4,563
Ширали	Тритикале сенажи	100	25,0	45,0	4500	3,0
	Арпа ёрмаси	25	26,5	22,25	2225	1,58
Омухта озуқалар	Бугдой ёрмаси	17	16,32	14,45	1445	2,414
	Махсус ем БДК	28	23,24	23,8	2380	2,212
	Пахта шротли	12	9,84	10,80	1080	3,95
Жами		433	177,91	249,30	24930	21,72

■ I ЭЧКИЛАРНИНГ СУТ МАҲСУЛДОРЛИГИ

Оғиз сути таркибида альбумин ва глобулин миқдори юқори бўлиб, ёш организмда тез ҳазм бўлади. Вақт ўтган сайин оғиз сути таркибидаги альбумин ва глобулин миқдори камайиб боради, казеин оқсили эса аксинча ортиб боради. Фосфор кислотасининг минерал тузлари миқдори оддий сут таркибига нисбатан оғиз сутида икки карра ортиқча бўлиб, бу тузлар дастлабки кунларда ёш организмнинг суяк тўқималари ва бошқа тўқималари қурилишида асқатади. Оғиз сути асосан бактерицид (касаллик бактерияларини ўлдириш) хусусиятга эга бўлиб, ёш организмни ташқи муҳитдан тушаётган микроорганизмларга қарши бардошини оширади.



21-расм. Қўлда сут соғиш

Оғиз сути таркибида сутга нисбатан ёғ бир неча баробар ортиқ, ёғ эса оддий сутга нисбатан юқори миқдорда (3,4-8,1 мг) каротин сақлайди. Каротин моддаси ёш ўсувчи организмда моддалар алмашинувида қатнашиб, ҳайвон организмда витаминлар меъёрини таъминлайди. Оғиз сутининг кимёвий таркиби сут бериш даврида тез ўзгариб боради ҳамда аста-секинлик билан оддий сутга айланади.

Сут безининг функцияси ички секреция безларининг таъсирига қараб ўзгариб боради. Эчкининг туғишига икки ҳафта қолганда сут безлари секрецияси ишлайди ва бола туғилиши билан оғиз сутини ишлаб чиқаришни бошлайди. Бу жараён эчкиларда 5-6 кунгача давом этади.

Буюк табиб Абу Али Ибн Сино шуни таъкидлайдики, кекса ёшли инсонларда эчки сутини озиқ-овқат сифатида ишлатилиши уларни турли касалликлардан сақлайди,



22-расм. Автоматик равишда сут соғиш

иммунитетни кучайтиради. Эчки сути табиий ҳолда озиқ-овқат сифатида жуда фойдалидир. Чунки эчкилар (чечак) оспа, туберкулёз ва вабо касалликларига чалинмайди.

Эчки сутини ишлаб чиқаришда №70-39 стандартга амал қилинади, унинг сотилиши ва топширилиши эса 13-27-749 андоза (стандарт) бўйича амалга оширилади. Сўнгги йиллардан бошлаб эчки сутини тайёрлашда ва сотишда 362-68 давлат андозасига амал қилинмоқда. Эчки сути кўпинча табиий соф ҳолда ёки бошқа ҳайвонларнинг сути билан қўшилган ҳолда ишлатилади. Адабиёт маълумотларига кўра, эчки сути ёввойи ҳайвонларнинг болаларини боқишда ва юксак насли отлар етиштиришда ҳам ишлатиб келинган. Эчки сутидан турли сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва бу маҳсулотлар тўйимлилиги билан эътиборга моликдир.



■ I СУТ ЙЎНАЛИШИДАГИ УЛОҚЛАРНИ САҚЛАШ

Улоқлар туғилганидан сўнг (эни 1,15 м, узунлиги 2,0 м, баландлиги 0,92 см ёғочдан қурилган) махсус янги туққан эчкиларни сақлаш жойларида (профилакторийсида) 15 кун сақланади. Бу жой умумий сони 28 бош она эчки ва янги туғилган улоқчаларни сақлашга мўлжалланган.

Улоқчалар 15 кундан сўнг, 15-20 бошдан сақланадиган бўлимга ўтказилади. Бинонинг узунлиги 37 метр, эни 11 метр, баландлиги 5,5 метр, жами 14 бўлимдан иборат. Бўлим узунлиги 5 метр, эни 4 метр бўлиб, тахта ёғочдан баландлиги 1,15 метрлик бўлган катакчаларга бўлинган. Ҳар бир катакчага пласмассали сув идишлари, тахтадан ясалган махсус туз ва минераллар бериш учун охурлар жойлаштирилган.



24 -расм. Улоқларга сут ичириш

Яйраш майдончаси асфальтланган, у ерга минерал моддалар учун махсус ёғоч охурлар жойлаштирилган. Такаларни озиклантириш махсус озиклантириш столларида, рационлар асосида амалга оширилади. Яйраш майдончасидаги охурлар устига қуёш нурларини тўсuvчи (қамишдан тўқилган) соябонлар қўйилган. Бўлимдаги ҳар бир катакчалар ёғоч тахта тўсиқлар билан ажратилган.

Бинонинг умумий узунлиги 75 м, эни 24 м, баландлиги 8,5 м, ҳар бир бўлимда (металл ускуналарда) ичимлик сув идишлари жойлаштирилган. Бино махсус қалин тахтадан (узунлиги 15 м, эни 8 м, баландлиги 1,60 см бўлган) катакчаларга бўлинган, бўлимда жами 50-60 бошдан эчкилар сақланади.

Улоқларни озиклантириш кунига (15 кунлик ёшига қадар) 4 марта, кейинроқ 3 мартадан амалга оширилади.



25-расм. Эчкилар боқиладиган охур

■ I ЭЧКИЛАРНИНГ ГЎШТ МАҲСУЛДОРЛИГИ

Бўрдоқига боқилган эчкиларнинг гўшти қўй гўштига нисбатан ёғдор ва барча кўрсаткичлари бўйича қўй гўшти билан рақобатлашади. Энг мазали ва сифатли гўшт 7-10 ойлик яйловда семиртирилган улоқ ва ахта қилинган такалар гўштидир. Ёғ кислоталарининг миқдори бўйича эчки гўшти қўй ва қораулоқ гўштига ўхшаш, лекин пишиш, эриш ҳароратининг пастлиги билан улардан фарқ қилади. Эчкилардан олинган ёғда ҳеч қандай таъм ва ҳид бўлмайди, аммо қари такаларнинг ёғини озиқ-овқатда ишлатиб бўлмайди, ундан техник мақсадда фойдаланиш мумкин. Эчки гўшти ўз таркибида А (ританол), В₁ (тиамин) ва В₂ (рибофлавин) витаминлари бўлиши билан бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг гўшtidан юқори туради. Эчкиларнинг гўшtdорлиги асосан уларнинг тириклиги





26-расм. Эчки гўшти.

даврида ўрганилади ва аниқланади.

Эчкиларнинг семизлик даражаси МДХ 5111-55 андоза (стандарт) талабига кўра аниқланади ва улар қуйидаги категорияларга бўлинади:

Қўл ёрдамида ушлаб аниқланадиган ҳолатлар: ўртадан юқори бел ва думғаза қисмидаги мускуллар яхши ривожлангани, бел ва думғаза қисмидаги умуртқа поғоналари суяклари бўртиб чиқмагани, яғрини кам ҳолда бўртгани, бел қисмининг териси остидаги ёғ тўплами, бели ва қовурғалар орасидаги ёғ тўплами ўртачалиги.

Ўрта семиз даражадаги эчкиларни бел ва думғаза қисмидаги мускулларининг ўртача ривожлангани, маклок ва бел қисмидаги умуртқа поғонасининг суяклари енгил бўртгани, думғазасининг поғона суяклари аниқ бўртгани, бел қисмида ёғ тўплами ўртача, қолган жойларида эса кам тўпланганини қўлда ушлаб аниқлаш мумкин.

Ўртадан паст мускуллари яхши ривожланмаган, бел ва думғаза қисмидаги умуртқа поғонасини суяклари, қовурғалари бўртган, яғрини ва маклок суяклари аниқ бўртиб чиққан тери остидаги ёғ тўплами қўл билан чамаланмайди. Қайд этилган семизлик даражасидаги талабларга жавоб бермайдиган эчкилар семизлик даражаси бўйича озгин категориясига киритилади.

Эчкиларнинг гўшт маҳсулдорлиги қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади: нимталанмаган гўшт массаси, ички ёки чарви ёғ массаси, сўйим массаси, сўйим чиқими, нимтадаги суяк ва мускулларнинг (гўшт) ёғ тўқималари, гўштни кимёвий таркиби, қўш маҳсулотлар сифати ва чиқими шулар жумласидандир.

■ I ЭЧКИЧИЛИКДА ПОДАНИ ҚАЙТА ТЎЛДИРИШ, УЛОҚЛАРНИ АЖРАТИШ, СУРУВЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Подани қайта тўлдириш бу яроқсиз эчкиларни ўрнига маҳсулдор эчкиларни кўпайтириш ва урчитиш жараёнидир. Турлича парвариш қилинган ва озиқлантирилган эчкиларнинг тахминан бир фоизи ҳар хил сабабга кўра насл бермайди. Эчкилар 5-6 ойлик чоғида жинсий етилади, 16-18 ойлигида эса физиологик етилиб, насл бериш қобилиятига эга бўлади.

Эчкиларни қочириш ва туғдириш муҳим тадбир ҳисобланади ва бу жараён мутахассисдан катта маҳоратни



27-расм. Наслли така

талаб этади. Эчкичиликда қочириш мавсумига икки ой олдин тайёргарлик кўрилади. Бунинг учун қочириш режаси тузилиб, жойлар танланади ҳамда урғочи эчкиларга такалар тайинланади. Эчкиларни ривожланишини таъминлаш учун озиқлантириш режаси ишлаб чиқилиб, эчкиларни ўрта семизлик даражасини сақлаб қолиш кўзда тутилади. Такалардан ҳар декадада уруғ олиниб, текширилади ва яроқли ёки яроқсизлиги аниқланиб борилади. Эчкичиликда қочириш учун ажратилган жойлар таъмирланади ва мавсумнинг бошланишига 2-3 кун қолганда жараён кечадиган жойлар жиҳозланади ва тегишли асбоб-ускуналар билан таъминланади.

Бу даврда семенаторларнинг сунъий қочириш бўйича маҳорати ва билими яна бир карра синовдан ўтади, уларга



28-расм. Насл учун қолдирилган ёш эчкилар

асбоб-ускуналарни ишлатилиши қайта-қайта кўрсатилади. Эчкиларни қочирилиши куннинг ёруғ даврида ўтказилади ва тузилган режага қатъиян риоя қилинади. Она эчкиларни ҳар куни эрталаб куюкиши аниқланади, бунинг учун умумий сурувга ахталанган ёки белига фартук бойланган такалар қўйилади. Бундай такалар куюккан эчкиларни топгач, улар умумий сурувдан чиқарилади ва алоҳида гуруҳ ташкил этилади. Бу иш тамом бўлгач, наслга яроқли такадан уруғ олиниб, сифати текширилади ва яроқли деб топилгач, совлиққа қўйилади. Эчкилар бир суткада икки маротаба уруғлантирилади (ҳар бир уруғлантиришнинг ораси 4-5 соатни ташкил этади). Эчкилар қочирилгандан сўнг, 17-21 кун давомида назорат остида бўлади, агар куюкиши қайтарилмаса уруғланган, деб ҳисобланади. Куюкиши қайта-



29-рasm. Эчкининг болалаш жараёни

рилган эчкилар қайта уруғлантирилиб, назорат қилинади. Қочириш мавсуми 35-37 кун давом этади ва бу даврдан сўнг қочириш мавсуми ёпилиб, сурув ичига такалар қўшиб юборилади ва яйловда она эчкилар бирга юради ва куюккан эчкилар бўлса қочирилади. Эчкичиликда қочириш мавсуми асосан сентябрь- октябрь ойларига тўғри келади. Шу сабабли улар учун яхши яйловлар ажратилади.

Эчкиларни туғиши асосан баҳор мавсумига тўғри келади. Шу сабабли соғлом улоқ олишга жиддий тайёргарлик кўриш лозим. Эчкиларни туғдириш учун махсус жойлар ва яйловлар ажратилади, эски қўралар ҳам таъмирланиб ишлатилади. Эчкиларни бўғозлиги 150-155 кун давом этади, шу сабабли қочиришдан 120-130 кун ўтгач, уларни туғдириб олишга тайёргарлик ишларини ташкил этиш лозим.



30-расм. Туғдириш бўлими

Бўғозликнинг охирги декадасида уларни озиқланишига катта эътибор бериш зарур. Сутдор эчкиларни туғишига 40-45 кун қолганда соғишдан тўхтатилади. Туғиши яқинлашгач, эчкиларни жинсий органларида, елин безида, хулқида ўзгаришлар пайдо бўлади. Эчкиларнинг туғишини кузатиб бориш лозим ва туғиш даврида зарурият туғилганида амалий ёрдам бериш лозим. Янги туғилган улоқларни оғиз-бурин қисмларини она сувларидан ва шилимшиқ моддалардан тозалаб, артиб олинади ва киндигини 7-9 см узунлигида бойлаб, онасига ялатишга берилади. Улоқни туғилганидан 1-2 соат ўтгач, онасини эмдириш зарур. Туққан эчкининг йўлдошини ташлашини кузатиб бориш лозим. Агарда 5-6 соат ичида йўлдоши ажралмаса, уни ажралишига ветеринария ёрдамини кўрсатиш лозим. Янги туққан она эчкига илиқ сув ва атала бериш тавсия этилади. Совуқ бўлган ҳолда янги туққан эчки ва улоқлар махсус кўраларга киритилиб сақланади.

Улоқларни оналаридан ажратиб олиш ва уларни мустақил парваришlash жуда муҳим ҳисобланади. Бу тадбир эчкичилик хўжаликларида улоқлар 4-4,5 ойликка етганида ўтказилади ва асосан ёз ойларига тўғри келади (август-июль) лекин бу тадбирга иқтисодий ва табиий шароит ўз таъсирини ўтказади. Ҳар бир ажратилган улоқ она эчкидан алоҳида боқилади, ажратиш ишлари бир ҳафта-ўн кун давом этади. Бунинг сабаби шундан иборатки, улоқларни мустақил ҳаёт кечириш қобилияти ҳали суст ва уларни бунга аста-секинлик билан ўргатиб борилиши тавсия этилади.

Шу боисдан она эчкилар биринчи кунларда улоқлар ажратилган жойларга яқин яйловларда боқилади ва бир кунда 2-3 маротаба эмдирилади, кечқурун эса улоқлар

оналари билан биргаликда қўрага қўйилади. Эрталаб эчкилар қўрадан чиқарилиб, улоқлар ажратиб олинади. Улоқларни оналарига қўшиш аста-секин камайтириб борилади ва бир ҳафта ичида кундузги қўшиш ман этилиб, фақат кечкисига рухсат этилади. Бир неча кун ўтгач, бу тадбир ҳам ман этилиб, она эчкилар билан улоқлар алоҳида қўраларда сақланиб, яйловларда боқилади. Ажратиб олинган улоқлардан жинси ва синф таркиби бўйича алоҳида гуруҳлар ташкил этиб, янги сурувларни шакллантириш белгиланади.

Оналаридан ажратиб олинган улоқлар учун алоҳида чўпонлар белгиланади ва сермахсул яйловлар бириктирилади.

Сурувларни шаклланиши ва янгиланиши ҳамда тўлдирилиши чорванинг сонига, жинсига, йўналишига ҳамда синф таркибига боғлиқ.

Янги туғилган улоқлар онасининг оғиз сути билан озиқлантирилади, шунда ҳар бир улоқ учун 250 грамм сут кифоядир, шу билан биргаликда 3-4 кун давомида ҳар бир улоққа бериладиган сутни меъёри 20 граммдан қўшиб борилади, 4-8 кунлик даврида 450 грамга етказилади. 14-30 кунлигида эса 1 литрга етказилади.

Шу даврда улоқларга ҳар кунига 2-3 маротаба аралашган сутлар ҳам ичирилиб борилади. Сут эмизиш уч ойгача давом эттирилади, ундан сўнг сунъий сутлар ва бошқа озуқалар ҳам берилади, 15-20 кунлигида улоқлар ўт ейишга ўргатилади. Етим улоқлар серсут эчкиларга эмдирилади ва сунъий суддан фойдаланилади.

Улоқлар яйловларга аста-секинлик билан ўргатилиб борилади. Наслга яроқсизлари 3-4 ойлигида ахталаниб гўштга, тивит ёки жунга йўналтирилади.

■ I СЕЛЕКЦИЯ-НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ

Селекция ишларида насли эчкилар такомиллаштирилиб борилади. Соф зотлар урчитилади. Подалар ичида тизимлар яратилади. Селекция гуруҳлари подаларида тизим ва тизимлараро урчитишга эътибор қаратилади.

Эчкичилик селекциясида танаси мустаҳкам, экстерьерери яхши ривожланган, сермахсул ва насл сифати юқори даражада бўлган эчкиларга эътибор қаратилади.

Наслдор эчкиларнинг маҳсулдорлик сифатини яхшилаш бўйича мунтазам танлаш ва саралаш ишлари йўлга қўйилади. Селекция натижасида олинган авлодларнинг ирсий фойдали белгиларини юзага чиқаришда уларни мақбул озиклантириш ташкил этилади. Эчкиларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда энг мақбул даражада озиклантириш ва яхши парваришлаш шароитини яратиш селекция самарадорлигини оширади.

Она эчкилар пушторлик хусусиятига қараб танланади, селекция учун ажратилган эчкилардан селекция подаларининг гуруҳлари тўлдирилади, шунингдек уларнинг маҳсулдорлик сифат кўрсаткичлари баҳоланади. Маҳсулдорлиги аниқланган ёш эчкилардан янги гуруҳлар шакллантирилади ва подада яроқсиз, деб топилган эчкилар асосий пода таркибидан чиқарилади.

Ёш улоқлар онасидан 4,5-5 ойлигида жинсларга ажратилади. Бунда уларнинг тирик вазни, тана тузилиши ва маҳсулот бериши авлод аجدодлари бўйича ҳам ҳисобга олинади. Ёш улоқлар алоҳида гуруҳларга ажратилган ҳолда ўт-ўланга бой яйловларда боқилади ва уларга қўшимча омухта ем озуқалари берилади.

Эчкилар зот андозалари талабларига мувофиқ катта ёшдаги эчкилар, ёш улоқ ва наслдор такалар гуруҳларига ажратилиб баҳоланади. Эчкиларни март, апрель ойларида бонитировкадан ўтказиш энг қулай муддат ҳисобланади.

Бонитировка пайтида эчкилар насл сифати ва маҳсулдорлик даражаси ҳамда сут соғими ва тирик вазни бўйича баҳоланади.

Бонитировка маълумотларига асосланиб, эчкиларни қочириш учун такалар сараланади. Селекция ишида фойдаланилаётган эчкилардан олинadиган наслларнинг маҳсулдорлигини янада ошириш чоралари кўрилади. Эчкиларда насл сифатини такомиллаштиришда элита ва I класс билан баҳоланган эчкилар танланади.

Кузги мавсумда қочириш олдидан зотли такалар яна бир бор кўрикдан ўтказилади. Подани яхшиловчи наслдор такалар авлодларининг сифати бўйича текширилгандан сўнг, она эчкилар билан жуфтлаштирилади.

Урғочи улоқлар оналарининг сифати билан таққосланади, юқори маҳсулдор наслдор такалар билан қочириш учун бошқа қариндошлик даражасидаги она эчки сараланади.

Ҳар бир текшириладиган наслии такадан олинган авлод тирик вазнига, жуннинг ингичкалигига, узунлиги, ранги, қалинлиги, шунингдек, маҳсулдорлигининг юқорилиги бўйича баҳоланади.

Ёш улоқлар биринчи марта 4-5 ойлигида баҳоланади. Бунда насл сифатининг тавсифи бўйича наслдор таканинг ўхшашлиги аниқланади.

Ёш улоқларнинг баҳолаш якуни 12 ойлигида амалга оширилади. Улоқлар якка тартибда ҳар бир зотнинг андозаси кўрсаткичларига мувофиқ танланади.

■ I Фойдаланилган адабиётлар:

1. Арипов У.Х. ва бошқалар. Овцеводство и козоводство. М.: 1990.

2. Терентьев В.В. Домашнее овцеводство и козоводство. Алма-Ата. 1989.

3. Мамадалиев Ф.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тўқ кулранг тивитли эчкиларни парваришлаш ва наслчилик ишларига доир тавсиялар. Т.: 1989.

4. Мамадалиев Ф.Х. ва бошқалар. Рекомендации по рациональному кормлению козематок в Узбекистане. Т.: 1989.

5. Мамадалиев Ф.Х. Рекомендации по разведению и племенной работе с тёмно-серыми пуховыми козами в Узбекистане. Т.: 1988.

6. Воробьёв П.А., Орехов А.А. Овцеводство, козоводство и технология производства шерсти и мяса. Москва -1988.

7. Котляров И.Т. ва бошқалар. Инструкции по бонитировке пуховых, шерстных и улоқочных коз с основами племенной работы. М.: 1986.

8. Запорожцев Е.Б. Разведение и содержание коз. М- 1983.

9. Зеленский Г.Г. Козоводство. Москва: 1981.

10. Қишлоқ хўжалик энциклопедияси (эчкичилик тўғрисидаги мақолалар). Т.: 1969.

11. Туркия Озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда "Denizbank" ҳамкорлигида тайёрланган "100 та китоб" тўпламидаги 71-сонли китоб.

Интернет сайтлари

12. <https://genetics.uz>

13. <https://uz.wikipedia.org>

Lined area for writing, consisting of 20 horizontal green lines.

Blank lined area for writing, consisting of 20 horizontal green lines.

Lined area for writing, consisting of 20 horizontal green lines.

This image shows a single sheet of white paper with horizontal green ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

This image shows a single sheet of white paper with horizontal green ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

46.6
Э 98

Эчкичилик [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ.-
Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 80 б.

ISBN 978-9943-7173-4-3

УЎК 636.3
КБК 46.6

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчиси
“Агробанк” АТБ

100 китоб тўплами

ЭЧКИЧИЛИК

78-китоб

Нашриёт уйи “Тасвир”
Тошкент – 2021

Таржимонлар:

Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Таржима ва тил маркази” таржимонлар гуруҳи

Муҳаррир-мусахҳиҳ:

М. Тошпўлатов

Компьютерда тайёрловчилар:

К.Б. Бахриддинов, Б.Т. Нишонбоев

Дизайнер:

Ш.М. Одилов

Нашриёт тасдиқномаси: № 7404, 02.02.2021
Босишга 16.04.2021 да рухсат этилди. Бичими 60x84 ¹/₁₆
Fira Sans гарнитураси. Офсет босма усулида чоп этилди.
Адади 830 нусха. Буюртма рақами: 1112

“Colorpack” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1А.